



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Юлдашев Иқболжон Рахимович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси катта ўқитувчиси,
юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Абдурасулова Меҳринисо Искандар қизи

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси курсанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17686037>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-noyabr 2025 yil
Ma'qullandi: 15-noyabr 2025 yil
Nashr qilindi: 22-noyabr 2025 yil

KEYWORDS

ахборот, ахборот-таҳлил,
ахборот жамияти,
жиноятчилик олдини олиш.

ABSTRACT

Ушбу мавзунинг долзарблиги, ички ишлар органларида ахборот-таҳлил фаолиятини ташкил этиш механизмлари бўйича тушунчалар, фаолият мақсади ва амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари, бундан ташқари фаолиятини ташкил этиш механизмлари доирасидаги нормаларнинг амалиёт таҳлили, амалда қўлланилиш даражаси ҳамда ушбу фаолият доирасида юритиладиган процессуал ҳужжатлар, шунингдек, фаолият механизмлари ишлаб чиқиш, фаолиятни ташкил этиш бўйича илғор ва бизнинг ҳуқуқ соҳамизга мос келадиган хорижий тажрибаларни, шунингдек, юқорида келтириб ўтилган жиҳатларидан фойдаланилган ҳолда ушбу фаолиятни такомиллаштириш ёритиб ўтилди.

XXI аср – ахборот ва ахборот технологиялари асридир. Бугунги кунда ахборотдан фойдаланувчилар доираси кенгайиб, у нафақат анъанавий истеъмолчилар, яъни ахборот-таҳлил марказлари, оммавий ахборот воситалари, хавфсизлик идораларининг, балки жамият аъзоларининг ҳам манфаатлари объектига айланмоқда.

«Ахборот жамияти»ни шакллантириш жараёни юз бермоқда ва ахборот ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Жамиятни ахборотлаштириш орқали ахборот оқимларини бошқариш тизимларида ҳамда сиёсий қарорларнинг қабул қилинишини ахборот-таҳлилий таъминлаш механизмида сифат ўзгаришларига эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги Ички Ишлар Органларини фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196 сонли фармонида; Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари этиб қуйидагилар белгиланди: ҳудудларда жиноятчилик аҳволдан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш борасида учун барча зарур куч ва

воситаларни жалб қилиш; “республика—вилоят—туман—маҳалла” тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш; ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 27 июль куни жиноятчиликни барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида “Ички ишлар органларининг таҳлилий-ҳуқуқий ва прагнозлаш фаолияти бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Шуни инобатга олган ҳолда, тегишли мутасаддилар томонидан ички ишлар органларининг бошқарув, тизимли таҳлил, прагноз ва назорат йўналишларидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари ишлаб чиқишлари лозим” деб таъкидлаб ўтилган.

Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Инсоният томонидан тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, бугунги кунда хавфсизлик масалалари бўйича тўғри ва самарали чораларни ишлаб чиқишда қудратли жисмоний салоҳият ҳамда кучли иродага нисбатан ахборотни йиға олиш ва таҳлил қилиш қобилияти зарурроқ экан.

Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ахборот ҳокимиятнинг асосий воситаларидан бирига айланди. Бу ҳол инсон онгининг ахборотни сингдиришга мойиллиги кашф этилгандан буён давом этмоқда.

Ўз ўрнида у (ахборот) узоқ вақтлар бошқарув қуроли бўлиб хизмат қилган куч ва зўравонлик ўрнини эгалламоқда. АҚШнинг собиқ президентларидан бири Ричард Никсон Хавфсизлик Кенгашининг йиғилишида бюджет масалалари бўйича чиқишида эътироф этганидек, «ахборот ва ташвиқотга сарфланган 1 доллар қурол-яроғ тизимини яратишга кетган 10 доллардан самаралироқ, чунки ахборот қуролдан фарқли ўлароқ ҳар доим ва ҳар жойда ишлатилади». Демак, ахборот фавқулодда муҳим ва қимматли бўлган маҳсулотлар сирасига кирди.

Ҳозирги кунда уни ҳатто юксак технология маҳсулотларига қиёсламоқдалар. Баъзан ахборотни энг юксак технология маҳсулоти билан қиёслайдилар. Бироқ бизнинг назаримизда ахборот кадриятлар иерархиясида янада юқорироқ мавқега эга. Ушбу ўринда кенг тарқалган “ким ахборотга эга бўлса, ўша вазиятни бошқаради” ибораси ўз ўрнида ишлатилганлигига иқрор бўламиз.

Шундай бўлсада, ахборот-таҳлил фаолиятини амалга оширишда хом материалларни эмас, балки муҳим маълумотларни йиғиш, уларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ҳамда олинган натижаларни тегишли идора ва мансабдор шахсларга ўз вақтида етказишга қаратилган мураккаб жараён дир. Фактлар алоҳида олинганда катта аҳамият касб этмайди. Ушбу ҳолатда маълумотларни йиғиш ва уларни таҳлил қилишнинг усул ва услубларидан малакали фойдалана олишнинг муҳимлиги намоён бўлади. Ахборот-таҳлил фаолиятини такомиллаштарининг ҳал қилувчи омилини ушбу ҳолат билан изоҳлашимиз мумкин. Чунки тайёрланаётган таҳлилий ҳужжатларнинг сифати аввало, таҳлилий фаолиятни амалга оширувчи ходимнинг ахборот-таҳлил иши кўникмаларини қанчалик яхши эгаллаб олганлиги ва улардан моҳирона фойдалана олиши даражаси билан белгиланади.

Ички ишлар органлари амалий фаолиятининг муҳим йўналишларидан бирини ахборот-таҳлил фаолияти ташкил этади. Хизмат кўрсатилаётган ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш вазифаларининг муваффақиятли таъминланиши кўп жиҳатдан ахборот-таҳлил фаолиятининг қай даражада йўлга қўйилганлигига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021- йил 26- мартдаги “Жамоат хавсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида Ички Ишлар Органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПФ 6196 –сон Фармонида Ички ишлар вазирлигининг Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлари маркази ва унинг қуйи тизимларини, ахборот технологияларини кенг жорий этган ва фаолиятини рақамлаштирган ҳолда ташкил этиш ва тўлақонли фаолият юритиши бўйича ташкилий чораларни белгиланган. Мазкур фармонга асосан белгиланган чора-тадбирлардан келиб чиққан ҳолда, ахборот-таҳлил фаолиятининг мазмунини маъмурий ҳудудда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнлар моҳияти, уларнинг юзага келиш сабаблари ҳамда криминоген вазиятнинг ҳолати ва хусусиятига таъсирини ўрганиш, таҳлил қилиш, ички ишлар органлари фаолиятини тезкор вазият тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш ҳамда шу асосда салбий омиларни бартараф этиш борасидаги ишларнинг асосий йўналишларини белгилаш ташкил этади. Ахборот-таҳлил фаолияти ижодий жараён бўлиб, унинг натижасида тегишли маълумотларни тадқиқ қилиш орқали алоҳида фактлар тегишли ишни ташкил этишга ёрдам берадиган якуний маҳсулотга айланади. Ахборот-таҳлил фаолияти жараёнида йиғилган, баҳоланган ва шарҳланган маълумотлар асосида тайёрланган ҳужжат унинг натижаси ҳисобланади. Ахборот-таҳлил фаолиятининг натижаси бўлган таҳлилий ҳужжат шундай баён этилиши керакки, натижада ундан ички ишлар органлари фаолиятида муайян вазифаларни ҳал этишдаги аҳамияти аниқ ва равшан кўриниб туриши лозим. Бу таъриф ахборот ишининг «хом материали» ҳамда «якуний маҳсулоти ўртасидаги тафовутни тушуниб етишда ёрдам беради.

Ахборот-таҳлил фаолиятининг асосий мақсади, биринчи навбатда, тегишли фаолиятнинг тўғри ва самарали ташкил этилишига қаратилган долзарб вазифаларни ҳал этиш бўйича бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга масъул бўлган мансабдор шахсларга кўмаклашишдан иборат дир. Ички ишлар органлари тизимида ахборот-таҳлил фаолияти билан у ёки бу даражада барча ходимлар шуғулланадилар.

Шунинг учун ҳозирги даврда ҳар бир ходим ахборот-таҳлил ишининг усул ва воситаларини билиши ҳамда юзага келувчи вазиятларни тадқиқ қилишда улардан самарали фойдалана олишлари лозим.

Илмий услубларни эътиборга олмаслик ёки улардан фойдалана билмаслик нафақат вақт ва кучни исроф қилишга, балки кейинчалик муҳим бошқарув қарорларини қабул қилишга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ахборот-таҳлил фаолиятига оид “ахборот”, “таҳлил”, “фаолият”, “усул”, “услугият (методология)”, “информатика”, “ахборот-таҳлилий таъминот услубияти”, “ахборот-таҳлилий иш”, “ахборотлаштириш”, “ахборот ресурси”, “ахборот технологияси”, “ахборот тизими” каби асосий тушунчаларни билиш ва уларни тўғри қўллаш бу соҳада фаолият олиб борувчи ходимларга қўйиладиган асосий талаблардан ҳисобланади.

Кўйида биз ушбу тушунчаларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтамиз: Ахборот – иш, воқеа ҳодисалар ҳақида тушунча берувчи хабар, маълумот. Айрим манбаларда ахборот (информация) (лот. informatio–тушунтириш, баён этиш деган маъноларни англатади)–муайян маълумотлар ҳамда билимлар йиғиндиси деб берилган. Таҳлил–1) бир бутунни фикран ёки амалда таркибий қисмларга бўлишга асосланган илмий тадқиқот услуби; 2) бирор нарсани ўрганиш, таҳлил этиш.

Фаолият – иш, ғайрат, хизмат маъноларини англатади. Бирор бир фаолият (иш) билан шуғулланишни англатади. Услуг (метод (грекча–methodos – йўл, тадқиқот, таълим бериш, баён қилиш усули)), воқеликни билиш ва амалий ўзгартириш операциялари ва усуллари йиғиндиси; билиш ва амалиётда маълум бир натижаларга эришиш усули; тадқиқотчи томонидан уни қизиқтираётган муаммони ечишда вазифаларни қўйишдан то натижаларни баён қилишгача бўлган жараёнда фойдаланиладиган воситалар ва усуллар мажмуаси.

Услугият (методология) 1) бирор-бир фанда қўлланиладиган билиш воситалари, услуб ва усуллариининг мажмуи; 2) билиш ва амалий фаолиятнинг воситалари, шарт-шароитлари ва ташкил этиш тамойилларини ўрганувчи билим соҳаси.

Ахборот-таҳлилий таъминот услубияти –таҳлилга асосланган ҳолда ахборотни яратиш, қидириш, қайта ишлаш ва тарқатиш тизимида қўлланиладиган восита, услуб ва усуллар мажмуасидир. Ахборот-таҳлилий иш – бу мантиқий, стратегик ва математик услублардан фойдаланилган ҳолда муаммоли вазиятларни ўрганиш ва таҳлил этиш ҳамда уларни самарали тарзда ечиш бўйича тавсиялар бериш жараёнидир.

Ахборотлаштириш–юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёнидир. Ахборот технологияси–ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлардир.

Ахборот тизими – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларидир.

Ахборот-таҳлил фаолиятининг асосий мақсади –биринчи навбатда, тегишли фаолиятнинг тўғри ва самарали ташкил этилишга қаратилган долзарб вазифаларини ҳал этиш бўйича бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга масъул бўлган

мансабдор шахсларга кўмаклашишдан иборатдир. Ички ишлар органлари вазифаларига оид олинган маълумотларни таҳлил этиб ўз фаолиятларида улардан самарали фойдаланадилар. Ҳолбуки, таҳлилий фаолият қабул қилинадиган қарорларни асослаш ва тизим фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун зарур бўлган ҳамда сабабий алоқалар, тамоийиллар ва қонуниятларни аниқлаш борасида амалга ошириладиган тадқиқот ва билиш фаолиятидир. Таҳлилий фаолиятнинг мақсади турли хил бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва асослаш, шунингдек амалиётнинг умумий тамоийиллари ва ҳодисаларини тушуниб олишдир.

Шунингдек, содир этилаётган жиноятларнинг олдини олишга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқишда таҳлилий фаолиятга асосланган ҳолда келгусида содир этилиши мумкин бўлган жиноятчилик ҳақида қилинган башорат ҳам катта аҳамиятга эга.

Зеро, криминологик башорат ижодий жараён бўлиб, унда муайян асослар орқали ҳозирда содир этилаётган жиноятларнинг олдини олишнинг янги йўналишлари ва келажакда содир этилиши мумкин бўлган жиноий қилмишларнинг олдини олиш бўйича хулосалар шаклланади. ИИОда ахборот-таҳлил фаолиятининг самарадорлиги ушбу фаолиятни қай даражада ташкил этилишига бевосита боғлиқдир ҳамда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қаттиқ тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик– ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак/Ш.М.Мирзаев;–Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.104-б.
2. Иргашев А.У. Ахборот таҳлилий фаолиятда қўлланиладиган асосий услублар.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи.– 2017 йил 15 окт.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллик тантанали маросимдаги марузаси. –Халқ сўзи, 6 дек. 2016 йил.
5. Yuldashev I. Меҳнат шартномасини ўзгартиришни расмийлаштиришни ҳуқуқий тартибга солиш //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. С7. – С. 255-261.
6. Кадиров Ф. Жиноятнинг олдини олишда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг аҳамияти// Жиноятчиликнинг олдини олишдаги долзарб муаммолар.Республика илмий-амалий конференциясининг материаллари. 2003 йил 28 ноябрь.–Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003. –Т
7. “Жамоат хавсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка карши курашиш соҳасидаги Ички ишлар органларини фаолиятини сифат жихатдан янги босқичга кўтариш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196 сонли фармони 2021 йил 26 март.